

**БЕРКИНОВ Б.Б.**

# **ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**



**ТОШКЕНТ**

УЎК: 334.722.24(575.1)

КБК 65.(5Ў)09

Б 57

Б 57

Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари –Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 188 бет.

ISBN 978-9943-6157-8-6

Монографияда Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлашда оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари, ташкилий, иқтисодий, институционал – ҳуқуқий асослари ва механизмларини такомиллаштириш ва инновацион ривожлантиришнинг илмий-методологик асосларини тадқиқ этишга бағишланган.

Шунингдек монографияда оиланинг демографик ҳолати, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурслари, оила аъзоларининг билим даражаси, инвестиция киритиш, инновацион ғоялар ва қонунчилик нормалари оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ташкил этувчи омиллар сифатида асосланган.

Монография илмий ходимлар, юқори курс талабалари, профессор-ўқитувчилари, малака ошириш тузилмалари тингловчилари ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

УЎК: 334.722.24(575.1)

КБК 65.(5Ў)09

*Тақризчилар:*

Хушматов Н.С. – и.ф.д., профессор;

Махмудов Н.М. – и.ф.д., профессор.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилаётган ПЗ-2017192984 рақамли амалий-илмий лойиҳа натижалари асосида ёзилган ва чоп этилди.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 30-сентябрдаги 2-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6157-8-6

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2019.

## КИРИШ

Харакатлар стратегиясида<sup>1</sup> Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича белгиланган устивор вазифалар қаторида оила тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ҳиссаси юқоридир. Шу билан бир вақтда оила фаровонлиги ва ҳаётининг сифат даражаси кўп жиҳатдан оилавий тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромадга ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан оилавий тадбиркорликни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш салоҳиятини янада ошириш йўллари асослаш долзарб масалалар қаторига киради.

Шу билан бир қаторда, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги ЎзР Президенти Қарорида “... ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини кластерлар ташкил этиш” вазифаси кўйилган [8].

Хорижий тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат бандликни таъминлашда, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бир қаторда ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисмини оилавий корхоналар ташкил қилади. Оила тадбиркорлигини ташкил этишнинг мазкур шаклининг ижтимоий ва иқтисодий устунликлари, унинг субъектлари фаолият

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.